



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 12 - UYR T

4580 -son

Bog‘ot shaharchasi

Марҳум Болтаев Отажоннинг турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Қипчоқ” маҳалласида яшовчи фуқаро Болтаев Умарбек Йўлдашевичнинг марҳум отаси Болтаев Отажоннинг “Қипчоқ” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 29 январдаги ШЯ-Б-314-сонли аризасини, “Қипчоқ” маҳалласи фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 25 январдаги 177-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:


1. Боғот тумани “Қипчоқ” маҳалласида жойлашган 4 (тўрт)та хонадан иборат, яшаш хоналари 2 (икки)та бўлиб, ички ўлчами 62,03 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 2 (икки)та бўлиб, ички ўлчами 31,92 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 93,95 квадрат метр, қурилиш ости майдони 127,50 квадрат метр, умумий ер майдони 1100,00 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан марҳум Болтаев Отажонга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Марҳум Болтаев Отажоннинг меросхўрлари ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қурилиши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Марҳум Болтаев Отажоннинг меросхўрларига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев